

**Вилоят статистика бошқармасининг
2018 йил 03 августдаги 54/1-сонли
буйруғига 1-илова**

**Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда — бошқарма) ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.
2. Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.
3. Жамоатчилик кенгаши бошқарма раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади.
4. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.
5. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.
6. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар бошқарма раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ҳукуқлари ва мажбуриятлари

7. Куйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:
қабул қилинаётган норматив-ҳукуқий хужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва худудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун хужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, бошқарма зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича бошқарма ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мuloқот қилиш, бошқарманинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун бошқармани фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

бошқарманодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан бошқарманинг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

бошқарма фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

бошқарма фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бошқарма фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бошқарма фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ходимлари ва улар оиласарининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

8. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни бажаради:

бошқарма фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташабbusлари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиша иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бошқармага тегишли таклифлар киритади;

бошқарманинг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласди, шунингдек, ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

бошқарма фаолиятига тааллуқли унинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур бошқарма ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишиланган тадбирларни ташкил этишда қатнашади;

давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва бошқарма фаолиятига тааллуқли, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этади, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қиласди, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

бошқармага нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқади;

бошқарма раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиши билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

бошқарма ходимлари ва улар оиласидаги уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича бошқарма ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

бошқармада, унинг худудий бўлинмаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак хуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда Ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўлган хурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги илмий-маърифий ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакатда ва хорижда кенг жамоатчиликни бошқарма фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равиша хабардор қилишни таъминлайди ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

бошқарма фаолиятига бағищланған илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сұхбатларини ташкил этишда иштирок этади;

бошқарма фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бүйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қиласы, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чықади;

ўзига юклатилған вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қиласы.

9. Жамоатчилик кенгәши зыммасига юклатилған вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

бошқарма томонидан ташкил этиладиган бўлажак очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

бошқарманинг, жумладан унинг ҳудудий бўлимларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини бошқарма томонидан белгиланған тартибда бориб кўриш;

бошқарма, унинг ҳудудий бўлимлари ва тасарруфидағи ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгәши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

бошқарма фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган бошқарманинг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланған тартибда олиш;

бошқарманинг қонун ижодкорлиги фаолиятида, бошқарма томонидан ишлаб чиқилған норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар мухокамасини таъминлашда иштирок этиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига бошқарма томонидан берилған жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;

бошқарма ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

жамоатчилик кенгәши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилған вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш хуқуқига эга.

Жамоатчилик кенгәши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Жамоатчилик кенгәши ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

бошқарма фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

бошқарма ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

бошқарма ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

11. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

12. Жамоатчилик кенгashi аъзолигига, қоида тариқасида, бошқармада намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгashi аъзоларининг сони чекланмаган.

13. Жамоатчилик кенгашининг таркиби бошқарма раҳбарининг буйруги билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

14. Қўйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан жамоатчилик кенгashi таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равища иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг [11-бандида](#) назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов хукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

15. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қиласи;

жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлади;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қиласи;

жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

бошқарманинг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни бошқарма раҳбари билан келишади;

жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан бошқарма раҳбари билан ҳамкорлик қиласи;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

17. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

раис йўқлигида жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қиласи;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласи, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-хукукий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласи;

жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, бошқарма ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

жамоатчилик кенгаши ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қиласди;

жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиши бўйича таклифлар киритади;

жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлислида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш хуқукига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисида кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун бошқарма томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлислида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

жамоатчилик кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгашида кўриб чиқиши учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

бошқарма фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда қатнашади;

бошқарма ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказади ва уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгашига киритади;

жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

жамоатчилик кенгашининг зиммасига юклangan вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

21. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

22. Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида бошқарма раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

25. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

26. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

27. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда бошқармага, жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

28. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Бошқарма жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантирилган эътиrozини ёзма шаклда юборади.

29. Жамоатчилик кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгаши қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бошқарма томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

31. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги бошқарманинг раҳбари томонидан назорат қилинади.

32. Жамоатчилик кенгашининг ва бошқарма раҳбарининг жамоатчилик кенгashi фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.